

**UDK 81-13**

**Каримжанова Дилноза, ўқитувчи,  
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика университети  
Фозилов Отабек, тьютор,  
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги номидаги ТАТУ Фарғона  
филиали.  
Рахимова Зухра, тьютор,  
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги номидаги ТАТУ Фарғона  
филиали.**

### **ЎҚУВЧИЛАРНИ САВОДГА ЎРГАТИШ ВА НУТҚ ЎСТИРИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ**

**Аннотация:** ушбу мақолада ўқувчиларни саводга ўргатиш ва нутқ ўстиришда педагогик технологияларнинг ўрни тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** педагогика, нутқ, таълим, инновация, педагогик технология.

### **THE ROLE OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN TEACHING STUDENTS LITERACY AND SPEECH DEVELOPMENT**

Annotation: in this article, the role of pedagogical technologies in teaching students literacy and speech development has been investigated.

Keywords: pedagogy, speech, education, innovation, pedagogical technology.

Мамлакатимизда маънавий тарбия баркамол инсон тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки инсон – жамиятнинг таянчидир. Чунки ҳар бир ўқувчи шахси келажак ривожига кескин таъсир эта олади. Таълим – тарбия олувчи ҳар бир боланинг замон талаби асосида ҳар томонлама шаклланган шахс бўлиб жамият ишларида фаол қатнашишига нутқнинг тўғри ривожланиши катта аҳамиятга эга.

Нутқ – бу кишилар аро мулоқат воситаси, миллий бойлик ҳамда таълим – тарбия зарур билимларни олиш учун қудратли воситасидир. Шу боис ҳар бир инсон нутқни пухта эгаллаш, ўз фикрини тўлиқ ифода этишга ўргатиш муҳимдир. Ўқувчиларни саводга ўргатишда тўғри ва равон нутқ катта

аҳамият касб этади. Мактабгача тарбия ёшдаги болалар ч синф ўқитувчисидан чуқур билим ва маҳоратни талаб этади. Бола нутқини тўғри тарбиялаш бошланғич таълимига тайёрлаш бошланғич мактабгача бўлган ёшдаёқ она тилининг амалий қўлланиш жараёнлари ичида яшайди. Мавжуд тил муҳити боланинг ўз тилидан амалий жиҳатдан фойдаланишга оид дастлабки кўникма ва малакаларини шакллантириб боради.

Сўзлаш жараётида талаффузнинг роли ғоят улкандир. Талаффуз меъёрларининг оғзаки нутқ шаклининг шаклланишидаги йетакчи омил ҳисобланади. Чунки гапириш жараёнида товуш жиҳатидан бир хилликни сақланиши, аввало, тапаффуз нормаларининг ягоналиги билан изоҳланадию.

Дарҳақиқат, бола илк бора тил чиқариб ўз она тилида сўзларни талаффуз қилади. Ёши катталашган сари сўз бойлиги ошиб бораверади. Асосан, бошланғич синфларда эса нутқнинг тўғри қурилиши шаклланади ва ривожланади. Мактабгача тарбия ёшидаги бола нутқидаги эътиборсиз қолдирилган камчиликлар келажакда боланинг мактабда тўғри билим олишдан орқада қолишига сабаб бўлади. Бошланғич синфларда саводга ўргатишда нутқ ўстиришда пед технологияларнинг ўрни беқиёсдир. Дарс таълим жараёнининг энг нозик нуқтаси, пойдеворидир. Дарс самарадорлигини ошириш мезонларидан бири дарсларда бири дарсларда пед технологияларни қўллашдан иборат. Бошланғич синф ўқувчиларига савод ўргатиш ва оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришда мунтазам дарсларда педогогик технологиялардан кенг фойдаланиб, таълим мазмунини ва ўқув самарадорлигини ошириш ўқувчилар нутқидаги камчиликларни бартараф қилиш. Демак, нутқ ўстиришда эътибор беришимиз керак бўлган жиҳатлар қуйидагилардан иборат:

- нутқ ўстириш жараёнида методларни тўғри танлай олиш;
- бадиий асарлар мутолаасини узликсиз равишда йўлга қўйиш;
- мантиқий фикрлашга ундовчи матнлар билан ишлаш;
- турли хил мусобақа дарсларини ташкил этиш;

- ўқувчиларни кўплаб шеърлар ёдлашга даъват этиш;
- байонлар, таассуротлар ёздириш; -ижодий ишлар яратишга чақириш;

Савод чиқариш даврида ўқувчининг нутқидаги камчиликлари сабаблари қуйидагилардан иборат: -мактабгача таълимнинг сустлиги; - фикрлаш даражасида ривожланмаганлиги; -она тилида таълим олмасликлари; Нутқ ўстиришда мана шу каби ноанъанавий технологиялардан фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади: -Етти қадам; -Синквейн; -Инсерт; -Муаммоли вазият; -Зинама-зини -Чархпалак; -Кубиклар намойиши; -Венн диаграммаси; -Коллаж; -Ақлий ҳучум; Ўқувчилар оғзаки нутқини ўстириш учун ота – оналар билан ҳамкорликда қуйидаги ишлар амалга оширилади: - Телекўрсатувлар тапқинида; -Мулоқат; -Синфдан ташқари ўтказиладиган машғулотлар; -Оила ота-она билан ишлаш; -Китобларни мутолаа қилиш; - Матн устида ишлаш; Дарҳақиқат, юқорида таъкидлаб ўтилган пед технологияларни ўқувчилар билим – самарадорлигини оширишга ҳамда нутқи равон бўлишига хизмат қилади.

Жумладан:

1. “Ҳамма ҳаммага ўргатади” технологияси. Бу технология 3 - 4 синф ўқувчиларининг сўз туркумлари юзасидан олган билимларини мустаҳкамлашда ва оғзаки нутқини ўсмиришда ишлатилиди. Синф ўқувчилари 4 та гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ биттадан сўз туркумига оид бўлган қондасини бир жумладан айтишади. Масалан, от ким? нима? кимлар? нималар? сўроғига жавоб бўлади. Гуруҳдаги барча ўқувчилар шу тариқа от сўз туркумига жавоб бўладиган қондаларни кетма – кет айтишади.

2.“Бир онанинг минг боласи” технологияси. Технологиянинг қўлланиши бошланғич синфлар кесимида (1,2,3,4) синфларда қўлланади. Ўққвчига янги бўлган бирор бир нотаниш сўз ҳарфлардан топиш буйирилади (масалан, КЎМАК)

- 1-синфларда: к ҳарфи билан бошланадиган сўзлар топиш;
- 2-синфларда: к ҳарфи билан бошланиб к ҳарфи билан тугайдиган сўзлар топиш;

- 3-синфларда: к ҳарфи бошида к ҳарфи ўртасида к ҳарфи охирида келадиган сўзлар топиш;

- 4-синфларда: к ҳарфи сўзнинг ўртасида қўш ундош бўлиб келадиган сўзлар топиш буйурилади.

Бундан ташқари 3 – 4 синфлардан бу технологиядан маънодош сўзлар топишда ва қарама – қарши маъноли сўзлар топишда ишлатилади. Бу технологиянинг авзаллиги; ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантиради. Луғат бойлигини оширади. Яна бир яхши томони шундан иборатки, ўқувчилар босқичма – боқич оддийдан мураккабга қараб ўсиб боради.

- 1-синфлар: калит, копток, кема, каклик, кунгабоқар, кунжут, кўк.

- 2-синфлар: кўк, кек, копток, кийик, керак, кесак, камалак, канизак.

- 3-синфлар: каклик, калтакесак, кеккирдак, кўм – кўк, кўкрак.

- 4-синфлар: маккор, чакка, зукко, ҳакка, макка, икки, аккардион, дуккак.

Методлар кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига ҳам боғлиқ. Болаларнинг ёши улғайган сари тил материаллари устида мустақил ишлаш даражаси ҳам ортиб боради. Шу боис ҳам матн тнланганда хоҳ у оғзаки, хоҳ ёзма бўлсин ,албатта, ўқувчининг ёши, дунёқараши мос танлаши аҳамиятга эга, ўқувчилар нутқини ўстиришда ижодий фикрлаш методи ҳам яхши натижа беради. Бунда, асосан, дидактик мавзуни танлашга эътибор берилади. Нутқи раvon ўқувчи ҳар қандай мавзуда кўпчилик олдида ўз фикрини бемалол байон эта олади. Шу боис, нутқ ўстириш масаласи она тили таълимнинг энг долзарб жиҳатларидан бири бўлиб қолаверади. Зеро, халқаро миқёсда PISA ва PERLS тестларига таййоргарлик жараёнида ҳам, асосан, ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашда ҳисобга олинади. Ушбу педогогик технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги ҳар томонлама баркамол, эркин фикрлайдиган шахсларни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишга айланган мавжуд шароитда ўқувчилар нутқини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Нутқни ривожлантириш шахсни шакллантиришнинг зарурий шартига айланди. Шундай экан, бошланғич таълимда оғзаки ва ёзма нтқини ўстириш жамиятда маданиятли, комил шахсни тарбиялашда муҳимдир. Навоий бобомиз айтганларидек: “Сўз – гавҳар”. Унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишимиз керак. Унинг маъно қирраларини англаб, фарзандларимизга ҳам буни яхшилаб англашмоғимиз лозим. Токи бу бетакрор она тилимиз ўз жозибасини сира йўқотмасин, мангу, барҳаёт яшасин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абу Наср Фаробий. Намунали ўқиш ҳақида 328 - 329 бетлар.
2. Б.Тўхталиев, Р.Иноғомова, П.Абдулаҳатова. дарсликлар билан ишлаш методикаси. Е – 2008. “Маърифат” газетаси. 46 – сон. 2015 йил.
3. Каримжанова Д.А. Ўқув муассасаларида меъёрий хужжатларни юритиш. Ўқув қулланма. Тошкент. Нафас 2021й.
4. Каримжанова Д.А. Бозй ва инкишофи нутқ дар таълими савод. Ўқув қўлланма. Тошкент. Фирдавс. 2021й.
5. Karimov, U. U., & Karimova, G. Y. (2021). THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN ACHIEVING EDUCATIONAL EFFECTIVENESS. *Журнал естественных наук*, 1(1).
6. Каримова, Г., Акбарова, М., Акрамжонов, Қ., & Йўлдашева, Г. (2021). ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *Интернаука*, (10-3), 42-43.
7. Джалолова, М., Рахманова, Э. Ю., & Косимова, Х. Н. (2021). ВОСПИТАНИЕ СЕНСОРНОГО ВОСПРИЯТИЯ У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА. *Scientific progress*, 1(6).